Xalq deputatlari Xovos tumani Kengashi

QAROR

2020 йил 30 декабрь **115/19-6-сон** **Хо̀вос шаҳарчаси**

Ховос туманидаги айрим географик объектлар (кўчалар, тор кўча, боши берк кўчалар)ни номлаш ва қайта номлаш тўғрисида

Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш комиссиясининг 2020 йил 29 январдаги 03-3-26-сонли йиғилиши баёнида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддаси ҳамда "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Халқ депутатлари Ховос тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш комиссиясининг 2020 йил 29 январдаги 03-3-26-сонли йиғилиш баёнида берилган топшириқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги, географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш давлат экспертизаси хулосаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги аҳоли пунктлари таркибий қисмларининг (кўча, тор кўча ва боши берк кўчалар) янги номлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосари, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссияси раиси ўринбосари (О.Донабоев) белгиланган тартибда замонавий кўринишдаги (лотин ёзувида) пешлавҳаларга ёзув ўрнатиш чораларини кўрсин.

4. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссия аъзолари, туман ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (Т.Шодиев) ва фуқаролар йиғини раислари бир ҳафта муддатда бир ҳафта муддатда

номлари ўзгарган географик объектларнинг номини ушбу ҳудуддаги аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгиласин.

5. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси (А.Эгамбердиев):

фуқароларнинг хорижга чиқиш ва кириш учун ҳужжатларини расмийлаштиришда ҳудудларда географик объектларнинг номлари ўзгарганлигига алоҳида эътибор қаратсин;

фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга номлари ўзгарган географик объект номлари билан ёзилишини доимий назоратга олсин.

6. Республика Маънавият ва маърифат марказининг Ховос тумани бўлинмаси раҳбари, комиссия аъзоси (Ш.Рустамов) номлари ўзгарган географик объектларнинг янги номларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида "Ховос овози" газетасида мақолалар чоп этсин.

7. "Ховос овози" тахририяти (А.Абдурахмонов) мазкур қарорни "Ховос овози" газетасида эълон қилиш чораларини кўрсин.

8. Туман ҳокимлиги тегишли ташкилот, корхона ва муассасалар билан биргаликда географик объект номларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширсин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Ховос тумани Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ғ. Райимназаров зиммасига юклатилсин.

10. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси **У.Камолов**